

МУЛК ҲУҚУҚИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Холдоров Козимжон Насимжон ўғли
E-mail: kozimkholdorov99@gmail.com

Сурхондарё вилояти юридик техникуми маҳсус фанлар ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Мулк ҳуқуқи” мавзусини ўқитишида педагогик технологияларнинг ўрни келтириб ўтилган. Фуқаролик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, педагогик технология, инсон ҳуқуқлари орқали асослаб берилган.

ABSTRACT

In this article, the role of pedagogical technologies in teaching the topic "Property Law" is mentioned. It is based on civil rights, property rights, pedagogical technology, and human rights.

АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся общие основы роль педагогических технологий темы «Имущественное право». Она основана на гражданских правах, правах собственности, педагогических технологиях и правах человека.

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг

хуқуқлилигини ва хуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди⁴⁸.

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваломбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўкув ютигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик⁴⁹.

Мулк хуқуқи – шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк хуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш хуқуқидан иборатdir.

“Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларатсияси” 17-моддасининг 1-қисмига кўра ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргалиқда мулкка эгалик қилиш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 36-моддасига кўра ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли.

Мулк ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир⁵⁰.

Хозирги кунда таълим жараёни, айниқса “Фуқаролик хуқуқи” фанинг марказий бўлган “Мулк хуқуқи” мавзусини ўқувчиларга етказишида педагогик технологияларнинг ўрни бекиёс.

Педагогик технология тушунчасига педагогшунос олимлар томонидан кўплаб таърифлар берилган. Педагогик технология ўқув жараёнига олиб кириш

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 18 б.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь)

⁵⁰ X.Рахмонқулов. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. – Т.: - Адолат, 2000. – 3 б.

зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичидаги биринчилар қаторида россиялик олим В.П.Беспалько илмий асослаб берган. Унинг фикрича: “Педагогик технология – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсни шакллантириш жараёни лойиҳасидир”⁵¹.

Бошқа рус олими В.М.Монахов эса: “Педагогик технология – аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тзимидир”, - деб таъриф берган⁵².

Мулк ҳуқуки мавзуси бўйича ўқувчилар учун юзага келадиган яна бир муаммолардан бири – уларнинг мулк билан боғлиқ тажрибаларининг камлигидадир. Шунингдек, материаллар билан кам миқдордаги танишлилик уларнинг ақлий салоҳиятини сусайтиради. Мулк ҳуқуки ўқитувчилари учун таълим билан боғлиқ мақсадлари бу ҳуқуқ соҳасидан йироқ ўқувчиларга тушунтириш муаммолар туғдиради. Аудиториядаги амалиётни жонлантириш учун бутун курсни якуний имтихон учун эмас, ҳаётий касб малакасини ўрганиш мақсадида ўзлаштираётган талабаларни рағбатлантириш ва илҳомлантириш фойдалидир. Бу перформатив модел реал дунё тажрибаларига асосланган, холис таҳлил, шунингдек ўқув малака ва жараёнини яхшироқ тушиниш учун синфда томонлар ўртасидаги муносабатни юзага келтиради.

Амалий дарслар сифатини ошириш учун, ўқувчилар дарснинг яратилиш жараёнида, музокараларда, қонун ҳужжатлари билан қайта ишлашда иштирок этишлари лозим. Агар қонун ҳужжатлари ўқувчиларнинг кундалик ҳаётларида кўпроқ ўрин олса, янада кўпроқ фойда келтириши мумкин.

Талабалар кундалик ҳаётидан лавҳалар яратишни сўрашлари, ижара шартномалари тузишлари мулк ҳуқуқидан амалиёт бажаришлари мумкин. Қулайликларни излаш, мисол учун, талабалар ўзларининг ажойиб дунёларини янги дунёкарашлар билан боғлиқ тадқиқотлари юзасидан келиб чикиши мумкин.

⁵¹ Бесалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педагогика. 1989 г. 192 с.

⁵² Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию педтехнологии. Педагогика. 1997 г. №6.

Талабалар қўзларидан яширинган пинҳона сервитутларни топишларидан олдин, газеталарни вараглашлари, қўшни уйлар бўйлаб юриб боришлари ёки йўлларда машина бошқаришлари мумкин.

Кўпгина ҳолларда юридик техникумларда машғулотлар баҳс-мунозаралар кўринишида ўтиб, бунда ҳар бир талаба муҳокама қилинаётган масала бўйича ўз фикрини баён этиши мумкин. Бундан ташқари, семинарларда бир неча ўқитувчилар қатнашиб, уларга амалиётчи ҳодимни (судьялар, прокурорлар, адвокатлар)ни таклиф қилиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Маъруза ва семинар машғулотларида аниқ ишларни кўриб чиқишига катта аҳамият қаратилади, шунинг учун ҳам, кўпгина курслар учун асосий манба бўлиб lex.uz ва public.sud.uz веб-сайтлари хизмат қиласи. Энг катта эътибор асосан ўқув жараёнини олиб бориш шакллари ва усулларига қаратилади.

Хулоса ўрнида шу таъқидлаш лозим-ки, “Мулк ҳуқуқи” ўқитишида нафақат юридик адабиётлар балки қонунчиликка оид веб-сайтлар (lex.uz, public.sud.uz, e-qaror.gov.uz ва x.k)лар ҳамда педагогик технологияларнинг тўғри ва самарали кўлланишлари муҳим касб этиди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь)

Х.Рахмонқулов. Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги. – Т.: - Адолат, 2000. – З б.

Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педгогика. 1989 г. 192 с.

Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию педтехнологии. Педагогика. 1997 г. №6. 26 с.